

Абиров Валишер Элмуродович
Тошкент давлат шарқшунослик институти
таянч докторанти

ХОРИЖ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Аннотация. Мазкур мақола ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласининг хориж тадқиқотчилар талқинида ўрганилишининг назарий-методологик асосларидаги мезонлар, фикрлар, қарашлар, концепцияларни таҳлил қилишига бағишланган.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбеклар, этноним, этник бирлик, элат, этнос, этногенез, этник тарих, методология, концепция, археологик, антропологик, этнологик тадқиқотлар.

Тарихимизга оид хориж тадқиқотларини ўрганиш, таҳлил қилиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарурат саналмоқда. Ўзбек этногенезини тадқиқ қилган ва бу устида илмий асарлар яратган хорижий тадқиқотчини кўрсатиш қийин. Хорижий адабиётларда туркий халқлар, қабилалар ва уларга кўшни халқлар, элатларга уларнинг урф-одатларига кўпроқ урғу берилган.

XII аср бошида ёзилган Шараф ул-замон Тоҳир Марвазий асарида туркий халқлар ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган. Асарнинг бир боби Хитой мамлакатига ва Ҳиндистонга бағишланган. Шу бобнинг катта қисмида Туркий халқлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Марвазийнинг асари XII аср бошларида ёзилган бўлса-да, унинг Туркий халқлар ҳақидаги маълумотлари илк ўрта асрларни (VI – X аср) тўлалигича қамраб олади. Муаллиф турли этнонимлар ўғуз, уйғур, кун, қай, сариқ (шари), кимак, яғмо, печенег, қирғиз, қарлуқ, халоч, булғор ва ҳақозолар ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилади. Ушбу асарда кўрсатилган қабилаларнинг этник тарихи, хўжалик фаолияти, моддий ва маданий ҳаёти, эътиқодлари ҳақида ёзилади[1:92-121].

Марказий Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи билан Ғарбий Европада бир қанча олимлар шуғулланганлар. Жумладан, Э.Шавани, М.Маркварт, Ҳелмут Ҳоффман, О.Притсак, М.апличка ва бошқа тадқиқотчилар Туркий халқларнинг этник тарихини чуқур ўрганган олимлардан ҳисобланади. Хитойшунос олим Э.Шаваннининг Хитой манбалари асосида Ғарбий турк қабилалари (нушиби, дулу), қарлуқ, туркешларнинг инкирозга учраши, қарлуқлар давлати ташкил топиши, хитойларнинг Туркий халқлар билан муносабатлари ва бошқа қатор масалалар ҳақида маълумотлар келтирилади. Унинг бу халқлар ҳақида, хусусан, қарлуқ ва унинг таркибидаги йирик

қабилалар ҳақидаги маълумотлари ўз қимматини ҳалигача йўқотгани йўқ [2:56].

И.Марквартнинг асарларидан бирида ҳам туркий халқлар ва қабилалар ҳақида маълумотлар берилади. Бу асарда кипчок, кимақ, уз, кун, қай, авар, печенег, чигил, яғмо, қарлуқ ва бир қанча бошқа қабилаларнинг жойлашиши, этник тарихи, урф – одатлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган.[3] О.Притсак эса Қорахонийлар даврининг сиёсий ҳаётини, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганишда анчагина илмий ишлар олиб борган. Унинг тадқиқ этган ишларида Қорахонийлар сулоласининг ташкил топиши, унинг хонлари, бу сулоланинг вужудга келиши ва тараққий этишида қарлуқларнинг роли, давлатнинг икки (Шарқий ва Ғарбий) қисмга бўлиниб кетиши, унинг инқирозга учраши дастлабки манба ва тарихий адабиётлар асосида чуқур таҳлил этилган. О.Притсакнинг маълумотларидан Қарлуқ қорахонлар давлати ташкил топган ўзбек элатининг шаклланишини аниқ тасаввур қилиш мумкин [2:57].

Қирғизистон Республикасининг етук тарихчиси олими, профессор О.К.Караев кўп йиллар давомида Қорахонийлар давлатининг тарихини ўрганиб келди. Кўп йиллик изланишларининг натижалари бир қанча мақолалар ва йирик монографиясида батафсил ёритилган. Муаллифнинг “Қорахонийлар хоқонлиги тарихи” китоби эътиборга моликдир. О.К.Караев ўзининг рисоласида Марказий Тангритоғ (Тян-Шан)да ва Еттисувда илк ўрта арларда яшаган аҳолининг жойлашуви, Қорахонлар давлатининг ташкил топишини илмий таҳлил қилган. Шунингдек, Қорахонлар давлатининг жанубий Қозоғистон, Фарғона, Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллаш тарихи, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳам ёритилган. Монографияда Қорахонлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий муносабатига, давлат тузилишига, аҳолининг хўжалик фаолиятига ва моддий, маданий ҳаётига ҳам катта эътибор қаратилган.[4]

К.Ш.Шониёзов О.К.Караевнинг монографиясини камчиликлар ва ноаниқликлардан холи эмаслигини таъкидлайди. Ушбу монографияда муаллиф Тян-Шанда X асрда ўрталарида қарлуқлар сиёсий бошчилик қилишни йўқотдилар, Исмоил Сомоний 906 йили Туркистоннинг бир қанча ҳудудларини эгаллагандан кейин қарлуқ ябғулари Талас водийсининг шарқидаги ерларнинг талай қисмини қўлдан берадилар, Талас водийсининг катта қисми – қарлуқларнинг марказий бўлган ҳудудлар Сомонийлар таъсир доирасида бўлган. К.Шониёзов бу фукрларни рад этиб, X аср ўрталарида қарлуқ давлатини ябғулар эмас, Қорахонлар (улуғ хонлар) бошқарган. Шу аср ўрталарида Қорахонларнинг таъсири кучли эди. Улар Еттисув, Шарқий Туркистоннинг катта қисмида ва Тохаристонда ўз ҳукмронликларини қатъийлаштириб олган эдилар.[2:56-57]

Тожикистон ФА академиги Рахим Масовнинг фикрига қараганда, “ўзбек” терминининг яратилиши ва унинг шундай номланиб келаётганини 1924 йилда пайдо бўлган Ўзбекистон ССР республикаси ўрнини муҳим деб таъкидлаб, бу ҳақида бир қанча мулоҳаза юритган. Муаллиф ўзбек этногенези билан боғлиқ фикрда Литвинскийнинг ноилмий фикрларини ўзига маъқул кўриб, бу хусусида жиддий хатоликка йўл қўйган. Унинг ёзишича “...ўзбек этнонимини келиб чиқиш тарихи Жўжи вориси Ўзбекхон қўл остидаги дашти қипчоқ қабилаларининг бирлашуви билан боғлиқ. Чингизхон авлоддан бўлган Ўзбекхон мусулмон бўлган ва ўзини улусига мусулмон динини олиб кириб танилган. Бу иши билан у фақат ўзининг қўл остидагина эмас, балки мусулмон ўлкасида машҳур бўлди. Унинг нуфузи тобора ортиб бориб ўзларини “ўзбекилар” атай бошлашди. Шу йўл билан “озбек” (ўзбек) термини муомалага кирди ва бу терминни келиб чиқиши Ўзбекхон номи билан боғлиқ” деб таъкидлайди.[5]

Бундай ноилмий қарашларда академик К.Ш.Шониёзов фикрларини ўринли деб қарасак янглишмаймиз. Айрим олимлар жумладан, Б.А.Литвинский, С.П.Поляковлар Ўрта Осиё халқларининг этногенезига ва этник тараққиётига беғараз қарамаганлар. Уларнинг назарида, бу халқлар собиқ СССР таркибидаги “қолоқ” халқлар бўлиб, фақат кейинги асрларда руслар таъсиридагина алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланганлар.[2:33] Шундай экан, Рахим Масовнинг фикр – мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, муаллиф таъкидлаган фикрлари, кўрсатган вақтлари чуқур илмий асосланмаган, кўп ҳолатларда тахминий хулосалар тарзда ифодаланган.

Ҳелмут Ҳоффман ўзининг мақолаларидан бирида Тибет тарихий солномаларига асосланиб, қарлуқларнинг (Тибет манбаларида Гарлог) катта қисми Ҳиндистоннинг шимоли – ғарбий қисмида жойлашгани ҳамда улар IX аср ўрталарида Кашмирни, Қошғарни, Хўтан ва Ёркентни эгаллаб турганлигини таъкидлайди.[6:191-196]

Америкалик тадқиқотчи олим Жохн Счоеберлеин-Энгел XX аср охирларидан бошлаб, ўзбек этногенези ва этник тарихига доир бир қанча мулоҳазаларидан иборат мақолалар ва тўпламлар чиқара бошлади. Муаллиф нафақат Ўзбекистоннинг қадимги тарихи, этногенези балки мустақликдан сўнг олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, ўзбек этногенезига оид бўлган қарашлар, турли олимлар мулоҳазаларини таҳлил этган ҳолда асарлар нашр эттирди. Жумладан, унинг “The national council for soviet and east european research” тўпламидаги “The prospects for Uzbek national identity” (Ўзбек миллий ўзликни англаш келажаги) мақоласида ўзбек этногенетик муоммолари, уларга бўлган фикрлар, олимларнинг қарашлари ҳақида маълумотлар учрайди. Ушбу

асарнинг “The Problem: The Identity of Uzbekistan” (Ўзбекистоннинг ўзликни англаш муаммоси) деб номланган бўлимида ўзбек халқининг миллий ўзликни англашга қаратилган барча муаммолар, турли фикрлар ёритилган.[7:2-3] Ўзбекистон ҳудудида кўп миллатли халқлар яшайди, бу эса маданий жиҳатларда яққол кўринади. Аҳолининг йилига ўсиши 2% ни ташкил этаётган бўлса, 40% ни 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, бундай ўсиш ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин деб таъкидлайди.

“History of the Uzbek Concept” (Ўзбек этимологияси (назария)нинг тарихи) бўлимида “ўзбек” атамаси ва ўзбек ҳақининг шаклланиши оид фикрларни баён этади. 1924 йил Совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиё ҳудудлари чегараланиб, Ўзбекистон вужудга келди. Россия федератсиясида болшевиклар ҳукумати томонидан бу ҳудудлар турклар, мусулмонлар, форсийларга нисбатан айирмачилик асосида тузилган республикалари эди. Муаллиф ўзбек халқининг юзага келишида турли фикрларни кўрсатади. В.В.Батолд “ўзбек” атамасини XX асргача ишлатилмаганлигини таъкидласа, бошқа олимлар ўзбек халқи негизини эрамиздан олдинги I мингйилликка ва ундан олдинроққа бориб тақалишини кўрсатади.

Жон Шоеберлеин-Энгелнинг ўзбек халқи қачон келиб чиққан? ва у қай даражада тарихий излдиизга эга? деган саволга ўзи ҳам жавоб беришга уринади. Олимнинг фикрича, Ўрта Осиёда биринчи марта “Ўзбек” номи ва шу асосидаги қатлам XVI асрда Шайбонийхон босқинидан сўнг пайдо бўлди. Шу вақтдан бошлаб, Ўрта Осиёда ўзбекларнинг кенг ва ёрқин тарихи бошланди. Уларнинг кўпчилиги чорвадор эди. Шайбонийхоннинг босқини натижасида ўзбеклар кўчманчиликдан ўтроқ ҳаётга мослаша бошлади. Номад маданияти ҳам сақланиб қолди. Айнан шу асрлардан бошлаб, “Ўзбеклар” ўзининг шажаравий сулоласига ва маданий тараққиётига эга бўлиб келдилар. Улар туркий ва форс – тожик оиласига мансуб тилда сўзлашар эдилар.[7:3-4]

Жон Шоеберлеин-Энгел ўзбек этногенезидаги энг катта диаспоралардан бири қипчоқлар эканлигини айтади ва бу хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. Муаллиф шимолий Фарғонада қипчоқларнинг алоҳида ҳудуди борлиги ва бунга ўзи гувоҳ бўлганлигини таъкидлайди. Ўзининг олиб бораётган илмий тадқиқотларида олим турли изланшлар ва И.Магидович, Зарубин, Н.Самоилович, Ш.И.Иногамов, К.Шаниёзов каби олимларнинг маълумотларига таянади. Фарғона водийсида жойлашган этник компонентлар турли хил эканлигини ёзади ҳамда бу омил улар ўртасида айирмачилик, бўлиниш ёки жойлашиш жиҳатидан ўзгариши сифатларини сақлаб қолганилиги айтади.

Россиялик тадқиқотчи олим С.Абашин манбаларга таянган ҳолда шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида 1913-1917 йилларда қипчоқларнинг сони 68193 дан 42449 тага, 1917-1926 йилларда 32228 та “умумий ҳисоблаганда 1914 йил билан таққослаганда 50% га” камаяди. Муаллиф таъкидлашча, Фарғона аҳолиси айнан шу йилларда фуқаролик уруши натижасида 20%га камайиб кетади. Қипчоқларнинг камайиши ҳам демографик протсесс натижасининг бир қисми эканлигини ёзади. С.Абашин хулоса қиладики, “бу жараёнлар ҳеч қандай ассимилятсияга сабаб бўлмаганлиги кўрсатмайди. Савол шундан иборатки, бу ассимилятсия сунъий ёки табиий эдими... бу маълумотларни таҳлил қилганда, шулар маълум бўладики, гуруҳларнинг номи ўзгариши шимоли – шарқий Фарғона худудидаги яшовчиларга таъсир қилмади. Айнан шу ерда “қипчоқ” термини мустақкам сақланиб қолди. Бу шуни кўрсатадики, яқин орада қипчоқларнинг яшаб турган худудларидаги қабилаларга табиий равишда қўшилиб кетишлари вужудга келади”.[8:184-185]

Жон Шоеберлеин-Энгел, Шевяков ва С.Абашиннинг қипчоқларнинг миқдори ва уларнинг ассимилятсияга боғлиқ муаммолари ҳақидаги фикрлари мавжуд бўлишга ҳақли. А.Шевяков фикрича, “қипчоқларнинг ўзлиги англаши” ўзбек халқининг таркибига аввалдан кираган деган фактга қаршилик қилмайди. Бу ҳақида XIX сарнинг иккинчи ярмида А.Геребенкин, А.Хорошхина, В.Радлов олиб борган тадқиқотларидан билиш мумкин.[9]

Ўша вақтларда С.Абашин қипчоқлар ўзбекларнинг таркибидан чиққанили тўғрисидаги далилларни таҳлил қилиб берди. С.Абашиннинг таъкид этилган бу қарашлари Жон Шоеберлеин-Энгел фикрларини қўллаб – қувватлашга қаратилган, бироқ унча кўп бўлмаган қўшимчалар билан: унинг сиёсатида (жумла, Совет ҳукмронлигининг миллий сиёсати ҳақида – А.Х.Дониёров) ҳеч қандай мажбурлов йўқ эди.[8:185] Ўзбекларнинг ўзлигини англаши қипчоқларнинг уруғ-қабилавий этномиллий хусусиятларини сақлаб қолди.[15:211] Жон Шоеберлеин-Энгелнинг “Самарқанднинг тожикзабон аҳолиси” (Таджикоязычное население Самарканда) мақоласининг бўлимини кўриб чиқишда С.Абашин айтадики, Самарқанд шаҳрида яшовчилар миллий тегишлилиги ўзбек ҳамда тожик фан ва давлат арбобларининг сиёсий тортишувига сабаб бўлмоқда. Тожик тадқиқотчиларининг фикрича, тожикларнинг миқдорининг пасайиши “шовинистик босим остида ўзбек партия ишчилари” сабаб деб кўрсатади. С.Абашин ва кўплаб нуфузли замонавий тадқиқотчилар олдиндан сартларни ўзбек халқининг бир қисми деб ҳисоблашганлигини айтади.[12] Баъзи муаллифларнинг тенденсияси эътиборга олинганда, XIX асрда яшаган сартлар тожикларга ёки улар мустақил этник гуруҳ ҳисобланган. Айтишимиз мумкинки, хорижий тадқиқотчилар томонидан

тадқиқ этилган, ўзбек этногенези ва этник тарихига бағишланган асарлар жуда кўплаб топилмасида салмоқли, илмий салоҳияти юқори бўлган нашрларни кўришимиз мумкин. Улардаги фиклар, қарашлар, ёндашувлар турлича бўлсада, яқдил хулосага келишда қийинчиликка учраган. Шу билан бир каторда, туркей уруғлар, ўзбек этногенезида қатнашган қавм, уруғлар ҳақида, уларнинг тарихи ва этнографияси ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилади.

Марказий Осиё цивилизациясининг марказида шаклланган ўзбек халқининг келиб чиқиш жараёни нафақат маҳаллий тарихчи олимлар, балки хориж тадқиқотчилари томонидан ҳам турли қиррали томонлари ўрганилмоқда. Шундай экан, энг янги нашрдан чиқаётган адабиётлар, диссертациялар ва мақолаларни ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш ҳар бир ёш тарихшунос олимнинг олдида турган долзарб вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sharaf al Zamin Tahir Marvazi on China the Turks and India. Arabis text (circa A.D. 1120) with on English translation and Commentary by V. Minorsky. London, 1942.
2. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Markwart J. Dip choronologil der alturkichen in schriften, Leipzig. 1898.
4. Караев О.К. История Караханидского Каганата. Фрунзе. 1983.
5. Масов Р. Родившийся на глазах истории (К вопросу образования Узбекской ССР).www.ia-centr.ru
6. Helmut Hoffman. Die Qarluq in der tibetischen literature. Oriens, 1950, vol. 3, №2, S.190-208.
7. John Schoeberlein-Engel. The prospects for Uzbek national identity. The national council for soviet and east european research. *Title VIII program*. Harvard University., January 21, 1997.
8. Дониёров А.Х. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития. Автореф. дис. ...док. истор.наук. – Тошкент., 2003. С. 184-185.
9. Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан: Сб. - Вып. II. - М., 1872;
10. Хорошкин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. - СПб., 1876;
11. Радлов В.В. Средняя Зеравшанская долина // Записки Русского географического общества. - СПб., 1889.

12. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана...; Аскарлов А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности...

13. Бронникова О.М. Сарты в этнической истории Средней Азии (К постановке проблемы) // Этносы и этнические процессы: памяти Р.Ф. Итса. - М., 1993.

14. Бушков В.И. Формирование современной этнической ситуации в Северном Таджикистане // Советская этнография. - 1990. - № 2.

15. Абашин С.Н. О самосознании народов Средней Азии (Как Александр Игоревич поспорил с Джоном) // Восток.. - 1999. - № 4. - С. 211.

16. Abashin S.N. Post-Soviet Nationalism, Ethnos Theory, and Constructivist Critique.//Anthropology & Archeology of Eurasia, vol. 44, no. 4 (Spring 2006), p.58.

17. G. Smith, “Post-Colonialism and Borderland Identities,” in G.Smith, V.Law, A.Wilson, A.Bohr, and E.Allworth, ed., Nation-Building in the Post-Soviet Borderlands. The Politics of National Identities (Cambridge: Cambridge University Press, 1998), pp. 15–16